

Рамазон ойнинг ҳар бир сонияси ғанимат!



12:30 / 01.05.2019 3759

Рамазон ойи ҳам яқинлашиб қолди. Бу ойнинг улуғлиги кўпчиликка маълум. Бу ойда бажариладиган амалларнинг савоби бошқа ойларга қараганда кўпайтириб берилишини ҳам яхши биламиз. Нақадар баракотли ой экани ҳеч кимга сир эмас. Хўш, мана шундай улуғ ойни қандай ўтказмоқчисиз?

Қисқа муддатли ой

Рамазон ойи 30 кун ёки 29 кундан иборат. Йилга қиёслаганда жуда оз. Шу бир ойни тоат, поклик, зикр, тиловат билан ўтакази олмаймизми? Аллоҳнинг изни ва ёрдами билан, албатта ўткази оламиз. Бу муборак ойнинг ҳар бир сониясини ғанимат билайлик! Бир сониямиз ҳам зикрсиз ўтмасин! Зеро, рўзадор одам зокир ҳисобланади.

Савоблар кўпайтириб бериладиган ой

Бу ойда ҳар бир солиҳ амалнинг савоби кўпайтириб берилади. Бунинг учун ўша амаллар риводдан холи бўлиши керак. Нафлга фарзнинг, фарзга бошқа ойларидаги етмишта фарзнинг савоби берилиши айтилган. Шу боис ҳамма ўзини ибодат, садақа, эҳсонга уради. Кўп савобга эга бўлишга интилади. Келинг, бу ойда эринчоқлик, дангасаликни йиғиштириб, энгни шимариб, белни маҳкам боғлаб, ибодатлар, солиҳ амалларни кўпайтириш ҳаракатида бўлайлик! Ҳадислардан бирида: *«Одам боласининг ҳамма амали (савоби) кўпайтириб берилур. Бир яхшиликка унинг ўн мислидан то етти юз баробаригача. Аллоҳ азза ва жалла: «Магар рўза Мен учундир. Унинг мукофотини Мен берурман. У (Одам боласи) шаҳвати ва таомини Мен учун тарк қилур», деди»* дейилган.

Ҳа, рўзанинг савоби улуғ. Бошқа ибодатларнинг савоби, мукофоти, даражаси ҳақида ҳадисларда айтилган. Масалан, намозни жамоат билан ўқиса 27 даража кўп савоб, ҳажга борганда одамлар билан талашиб-тортишмаса, гуноҳ қилмаса, онасидан туғилгандек пок бўлиб қайтади. Аммо рўзанинг савоби қанчалигини, мукофоти нақадар улканлигини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди.

Бошқа ишларни камайтиринг!

Ғанимат ойда кўпроқ солиҳ амал қилиб қолиш учун бошқа ишларни бир оз камайтириш даркор. Улфатлар билан гаплашиш, телефонларни кавлаш, интернетдан фойдаланиш, ижтимоий тармоқларда соатлаб ўтириш, турли суҳбатлар билан вақт ўтказиш, телевизор томоша қилиш, кўчаларни кезиш, истироҳат боғларига бориш, кўнгилочар масканларга ташриф буюриш ва бошқа шу кабиларни озайтириб, тоат-ибодатга киришайлик! Вақтимизни беҳуда совурмайлик! Зеро, бу ой яшин тезлигида ўтиб кетади. Кейин афсусда қолмайлик!

Ҳадиси шарифда шундай ривоят келган: *«Фаришта Жаброил алайҳиссалом: «Эй Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам, Рамазон ойи кириб, гуноҳлардан пок бўлмаган киши хор бўлсин» - деди. «Ва мен: «Омин» - дедим».*

Инсоний алоқалар

Бу ойда ота-она, қариндош, қўни-қўшниларимиз ва бошқа диндошларимизга кўпроқ эътибор берайлик!

Ота-онамизнинг хизматларини қилиб, дуоларини олишга бу ойда кўпроқ интилайлик! Ифторлик, саҳарликларда хизматларида бўлайлик! Отамизнинг барча намозлар, таровеҳга масжидга боришлари учун қулайлик қилиб берайлик! Ўзимиз ҳам бирга борайлик!

Қариндошлик алоқаларини мустаҳкамлаш – силаи раҳмни бу ойда кучайтирайлик! Қариндошларнинг орасида ночорлари, етимлари бўлиши мумкин. Уларнинг шароитини яхшилашга, муаммо ва ғамларсиз, инсонларга муҳтож бўлмай рўза тутишларига имкон қилиб берайлик! Бу ишда кўп савобларга эришамиз. Яъни, садақанинг савоби, силаи раҳмнинг савоби ва Рамазоннинг баракаси сабабли улкан ажрларга сазовор бўламиз.

Бизнинг зиммамизда қўшнилариимизнинг ҳақлари ҳам бор

Агар қўшнимиз қариндош, мусулмон бўлса, зиммамизда учта ҳаққи бўлади. Мусулмонлик, қариндошлик ва қўшнилик ҳаққи. Бизнинг яхшиликларимизга қариндош қўшнилари кўпроқ ҳақли бўлади.

Кейинги ўринда қариндош бўлмаган мусулмон қўшнимиз туради. Уларнинг ҳаққи мусулмонлик ва қўшниликдан иборат. Уларга ёрдам бериш ҳам кўп савобга эришишимизга сабаб бўлади.

Охиргиси эса мусулмон бўлмаган қўшнимиздир. Уларнинг бизнинг устимизда қўшнилик ҳаққи бўлади. Бу улуғ ойда барча қўшнилариимизга яхшилик қилсак, ҳам бу ойнанинг баракасидан савобимиз кўпаяди, ҳам бир инсоннинг қалбига хурсандчилик киритганимиз сабабли ажримиз ниҳоятда ортади.

Мусулмон одам диндошларига нисбатан меҳрибон бўлиши керак. Рамазон ойида бу ҳукм янада таъкидлироқ бўлади. Ширин гапириш, мулойим бўлиш, қўполлик қилмаслик, жанжаллашмаслик лозим бўлади.

Қуръон ўқийлик!

Бу ой Қуръони карим нозил қилинган ойдир. Аллоҳ таоло бу ҳақида шундай марҳамат қилган:

«Рамазон ойи, унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят фуқародан иборат очиқ баёнотлар бўлиб, Қуръон туширилгандир» *(Бақара сураси, 185-оят).*

Қуръони каримни Қуръон нозил бўлган Рамазон ойида кўпроқ ўқилмаса, яна қачон кўпроқ ўқилади?! Унутмайлик, Қуръондан ўқилган битта ҳарфга

битта ҳасана берилади.

Бу ойда Қуръонни энг камида бир марта хатм қилишга уринайлик! Зеро, Рамазонда Қуръонни хатм қилиш суннат амалдир!

Нафақа ва эҳсонлар

Бу ойда оиламизга нафақани кенг қилиб, ифторлик ва сахарликларига яхши шароит қилиб бериш ва шу билан бирга атрофимиздаги бевалар, етимлар, фақирлар ва шу кабилардан моддий кўмагимизни аямайлик! Агар молимиз нисобга етиб, закот беришимиз фарз бўлган бўлса, уни ҳам шу ойда адо этайлик! Инсоннинг қалбини шодликка тўлдириш улкан савобли амал. Энди бу иш Рамазонда қилинса, унинг савобини ҳисоблаб бўладими?!

Илм ўрганайлик!

Маълумки, илм ўрганиш ҳар бир мусулмонга фарздир. Ҳар бир инсон ўзига фарз этилган илмни доим ўрганиб бориши ва ўзидаги илмсизлик доирасини камайтиришга ҳаракат қилмоғи лозим. Энди бу фарз саналган илм олиш Рамазонда бўлса, савоби, баракаси ниҳоятда кўп бўлади.

Хўш, илм ўрганиш учун бу ойда қайси китобларни ўқиймиз?

Бу ойда, аввало Қуръони каримни ўқиймиз, кейин рўзанинг ҳукмларига оид китобларни қўлга оламиз. Тутаётган рўзамизга доир ҳукмларни яхши билиб олишга интиламиз. Чунки, биз рўзамизнинг мукамал, нуқсонлардан холи бўлишини истаймиз. Рўзага оид китобни ўқиб бўлсак, кейин ақийда, ҳадис, фикҳ, ижтимоий одоблар каби мавзулардаги китобларни ўқишни йўлга қўямиз.

Фарзандларга Рамазоннинг улуғлигини англатайлик!

Фарзандларимизга гўзал тарбия бериш динимиз талабидир. Ана шу тарбиянинг бир қисми уларда динимиз шиорларига нисбатан ҳурмат, уни эъзозлаш руҳиятини шакллантиришдир. Бу ойнинг ибодатларига кўп савоб берилиши, мурувват оyi, сабр оyi эканини, Қуръон шу ойда нозил этилганини уларга тушунтириб боришимиз лозим.

Сабр оyiда сабрни ўрганамиз

Рўза тутган инсон сабр қилишни ўрганади. Кун иссиқ, ифторгача вақт узоқ бўлишига қарамай, рўзадор оғзини очмайди, ифтор вақти киргунича сабр қилади. Шунингдек, рўза тутувчи одам гуноҳлардан ҳам тийилиб юради.

Натижада, сабрни ҳам, гуноҳлардан тийилишни ҳам ўрганади, фақирларнинг очлигини ҳам ҳис этади. Рамазонда фақирларга ёрдам беришни, гуноҳлардан сақланишни яхши ўрганиб олган киши, Аллоҳнинг марҳамати билан, бу ишларини Рамазондан кейин ҳам давом эттиради.

Тақво ойи

Рўзани фарз қилинишидан кўзланган асосий мақсад тақводорликни ўрганишдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай деган:

«Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки тақводор бўлсангиз»
(Бақара сураси, 183-оят).

Аллоҳ таолонинг «шоядки» дегани «албатта» деганидир!

Тақво – Аллоҳ таолонинг буюрганини қилиш ва қайтарганидан қайтишдир.

Одамлар кўрмай турган пайтларда ҳам рўзасини очмай юрган рўзадор бу ойда яхшигина тақво малакасига эга бўлади. Инсон шу ҳолатини бутун йил давомида сақлаб қолишга уриниши керак. Зеро, инсоннинг бошқалардан мукаррамроқ этадиган ўлчов – тақводир!

Аллоҳ таоло барчамизни ихлос билан рўза тутиб, кечалари бедор бўлиб, гуноҳлари кечириладиган ва тақво малакасига эга бўладиган бандаларидан қилсин!